


Meros

№ 2/2024

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ПРОФЕССОР АШРАФ АҲМЕДОВНИНГ 85 ЙИЛЛИГИ

Ҳасанов М. Кетди (Марсия) 3
Каримова С. Илмга бахшида умр 4
Абдуллаев Б., Куранбаева У. Профессор Ашраф Аҳмедов китоблари 10
Hogendijk J. Professor Ashraf Akhmedov and the Qanun Mas‘udi of Abu Rayhan Biruni 15
Demirci M. Al-Bīrūnī’s Contribution and Leading Role to Historical Criticism in Islamic Historiography 27
Жуманазаров А. Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг давомчиси 43
Куранбаева У. Абу Райҳон Берунийнинг “Фиҳрист”ига кирмаган асарлари хусусида 56
Каримова С., Ибрагимов Ф., Куранбаева У. Абу Райҳон Беруний илмий меросини ўрганишда замонавий технологиялар 66
Бўриев О., Фаромарз Ф. Фарғоний илмий меросида географик билимлар 79
Ибрагимов Ф. “Кичик тиб қонуни” амалий қўлланма сифатида 92

Bagheri M. A Newly Found Letter of Al-Kashi on Scientific Life in Samarkand 102
Абдуллаев Б. “Зижи жадиди Гурагоний” – Мирзо Улуғбек академиясининг энг муҳим ютуғи 123
Абдухалимов Б. Из Самарканда в Стамбул: Али Кушчи и выставка его рукописных коллекций 130

ТИЛШУНОСЛИК
Нурутдинов Ҳ.
“Элчи”, “элчилик” атамаларининг тадрижий тараққиёти тарихидан 138
Salimova Z. Turk va o‘zbek tillarida fitomorf birliklar orqali inson obrazining ifodalanishi 164

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 4 ноябрдаги 9-мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)
Роиқ Баҳодиров
Омонулло Бўриев
Дагели Жанин (*Германия)*
Абдусаттор Жуманазаров
Зоҳиджон Исломов
Одил Қориев
Аширбек Мўминов *(Туркия)*
Дурбек Раҳимжонов
Ўктамбек Султонов
Нурёғди Тошов
Аҳад Ходжаев
Дилором Юсупова
Санжар Ғуломов
Маҳмуд Ҳасанов

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

08.09.2025 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 11. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №: --. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

У. КУРАНБАЕВА

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ “ФИҲРИСТ”ИГА КИРМАГАН АСАРЛАРИ ХУСУСИДА

“Ер радиуси”нинг энг тўғри ўлчамини аниқлаб, “Сферик глобус”ни яратган, шаҳарлар координатасини топишда “триангуляция” усули сингари ихтиро ва ғояларни илм-фанга киритган 973–1048 йилларда яшаб, фаолият юритган Абу Райҳон Беруний қомусий олим сифатида ҳозиргача дунё илм аҳли эҳтиромини қозониб келмоқда. Машҳур шарқшунос олим, академик И.Ю. Крачковский (1883–1951) Беруний меросига юксак баҳо бериб: “У шуғулланган фан соҳаларини санаб ўтишдан кўра, шуғулланмаган соҳасини кўрсатиш осонроқ”, дейиши бежиз эмас [13: 247]. Чунки Беруний турли соҳаларда қалам тебратиб, ўзи тузган “Фиҳрист кутуб Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий”га (“Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий китобларининг рўйхати”) 113 та асарининг номини киритган. Улардан 70 таси астрономия, 20 таси математика, 12 таси география ва геодезия, 3 таси минералогия, 4 таси картографияга бағишланган. Аллома бу асарларидан ташқари умрининг сўнгги кунларигача яна 50 дан ортиқ турли соҳаларда китоб ёзган. “Мерос” журналининг 2019 (2) йилдаги нашрида алломанинг “Фиҳрист”ига кирган асарлари сони ҳусусида тўхталиб, уларнинг турлича берилиши сабаблари масаласига аниқлик киритилган эди [14: 75–85]. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар, ушбу масала бўйича янги маълумотларнинг қўлга киритилиши, олдинги мақоланинг мантиқий давоми сифатида янгисининг юзага келишига туртки бўлди.

Беруний қомусий олим сифатида жуда катта илмий мерос қолдирган. Илмий адабиётларда асарлари сони 180 та деб кўрсатилади. Аллома 1036 йилда ёзган “Фиҳрист” номли китобининг иккинчи қисмида ўзига тегишли 138 та асар номини қайд этган [22: 285; 15: 230–241]. “Фиҳрист” XIX асрнинг иккинчи ярмида инглиз ва немис тилларига таржима қилиниши тадқиқотларга кенг йўл очган. Аллома асарлари сони А. Беленицкийда 104 та, П. Краусда 113 та, П. Булгаковда 146, Д. Буалода, Н.А. Балучда 180 та, А. Сайидхонда 185 та ва А. Аҳмедов, Б. Тўраев, Б. Каримовларда 180 та деб кўрсатилган [11: 285–286; 22: 51; 12: 289; 20: 170; 19: 68–69; 18: 28; 1: 37; 17: 38; 21].

“Фиҳрист”да алломага тегишли бўлмаган 9 та асар номи бор. Беруний уларни таржима қилгани ҳақида маълумот берган. Улар қуйидагилар:

1. “Бароҳим Сиддаҳонтаси”.
2. Бароҳамернинг “Маволлид ас-сағир”.
3. “Вомиқ ва Азро” қиссаси.
4. “Шодлик ҳамнишини ва ҳаёт чашмаси” достони.
5. “Урмиздиёр ва Меҳриёр” достони.
6. “Додмаҳ ва Киромидўхт” достони.
7. “Дабистон ва Барбаҳокр” қиссаси ҳақидаги “Нилуфар” достони.
8. “Калабёра”.
9. “Патанжалиларнинг қоришиқдан қутилиш ҳақидаги китоби” [15: 234–239].

Бу асарлардан бугунги кунга фақат – “Патанжалиларнинг қоришиқдан қутилиш ҳақидаги китоби” таржимаси етиб келган [32].

Кўрсатилган таржима ишларини П. Краус, Д. Буало, П. Булгаков, Н. Балуч, А. Сайидхон, А. Аҳмедов, Б. Тўраев, Б. Каримовлар Беруний асарлари сифатида санашган [22: 51; 20: 170; 12: 289; 19: 68–69; 18: 28; 1: 37; 17: 38; 21].

Бундан ташқари, устозлари томонидан Берунийга бағишлаб ёзилган 25 та асар, яъни Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ томонидан ёзилган 12 та, Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Масиҳийнинг 12 та, Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ал-Жилийнинг 1 та рисоласи аллома “Фиҳрист”ига киритилган. Демак, Берунийнинг бу китобида 104 та ўзи ёзган, 9 та таржима ва шарҳ қилган, ҳамда 25 та унга бағишланган, ҳаммаси бўлиб 138 та асар номи берилган.

Берунийнинг “Фиҳрист”ига кирмаган асарлари. Беруний “Фиҳрист”ни тузганидан кейин 1036–1048 йиллар давомида 13 йил яшаган [20: 166], бу давр ичида ёзган китобларига рўйхат тузмаган. Алломанинг “Фиҳрист”ига кирмаган асарлари сони бўйича изланиш олиб борган Д. Буало бир қатор қўшма манбалар, жумладан, Ёқут Ҳамавий, Ҳожи Халифа, Байҳақийларнинг асарларидан Берунийнинг 42 та китоби [20: 167–170.] номини аниқлаб, аллома илмий меросини 180 тага етказган.

П. Булгаков турли сабабларга кўра, Д. Буалонинг “Фиҳрист”га кирмаган асарлар рўйхатидан 31 тасини қабул қилиб, қолганига аниқлик киритиш кераклигини ёзади. У Д. Буало томонидан тўлдирилган, Берунийнинг 180 та асари қайд этилган рўйхатдан фақат 144 та асар номини қабул қилган ҳолда, иккита янги аниқланган асарни қўшиб, аллома илмий мероси 146 тани ташкил этганини ёзади [12: 307–309.]. Бунда, П. Булгаков Беруний асарларини фақат номидан келиб чиққан ҳолдагина қабул қилган ёки рад этганини кўрсатиб ўтиш зарур [12: 289]. Лекин, Д. Буалонинг қарашларини давом эттириб, аллома асарларининг сонини 180, 185 ёки 200 тагача бўлганлигини таъкидлашаётган олимлар ҳам талайгина, жумладан, покистонлик Н.А. Балуч [19: 68–69], афғонистонлик А. Сайидхон [18: 28] ҳамда юртимизнинг берунийшунос олимлари А. Аҳмедов, Б. Тўраев, Б. Каримов [1: 47; 17: 38; 21] ва бошқалар.

Берунийнинг бугунги кунгача етиб келган асарлари тўғрисидаги тафовутлар аслида алломанинг “Фиҳрист”ига кирмаган асарлари билан боғлиқ. Бу масалада аввало, Д. Буалонинг меҳнати кўзга ташланади. У Беруний асарларининг ҳар бирини қайси манбадан олингани, дунёнинг қайси кутубхонасида нечта нусхаси сақланаётганини жадваллар орқали кўрсатган ҳолда, 40 та асарнинг 105 та қўлёзмасини санайди. Улардан 24 тасининг номи “Фиҳрист”да келтирилмаган [20: 161–172, 250–253; 28]. Бу рўйхат бугунги кунгача Беруний асарларининг энг тўлиқ рўйхати ҳисобланиб келган [20: 290–311]. П. Булгаков “такрор бўлиб қолган” дея Д. Буало томонидан тузилган Берунийнинг бизгача етиб келган асарлар рўйхатига киритилган 40 та асар номидан 11 тасини чиқариб ташлайди [12: 289] ва асарлар сонини 29 тага туширади. Уларнинг ўрнига Д. Буало рўйхатига кирмаган XX асрнинг 70-йилларида чоп этилган алломанинг “Ғуррат аз-зижжот” (“Зижлар сараси”) номли рисоласи ва берунийшунослар шу даврда аниқлаган “Кҳандакҳадяка” (“Астрономиялар қанди”) номли рисола (Берунийга нисбат берилган)ларни ўз рўйхатга киритиб, Берунийнинг бизгача 31 та асари етиб келганлигини таъкидлайди [12: 309]. Бу рўйхат ҳам мукаммал бўлмаган, чунки П. Булгаковнинг ҳисобида Берунийнинг “Китоб ад-дурар фи сатҳ ал-кура” (“Сфера юзаси ҳақидаги бебаҳо китоб”) асари бизгача етиб келмаган асарлар қаторига киритилган бўлиб, 1983 йилда Б.А. Розенфельд ва Г.П. Матвиевскаяларнинг тадқиқотида бу

асарнинг 1 та нусхаси Оксфорд кутубхонасида сақланилаётганлиги аниқланган [16: 279] ва Берунийнинг “Фиҳрист”ига кирган 98 та ва унга кирмаган 9 та, жами 107 та асари номи келтирилган. Бу китоб, 1955–1983 йилларда, яъни Беруний асарлари хусусида Д. Буалодан кейин амалга оширилган тадқиқотлар, турли манбаларда алломага нисбат берилган, лекин бизгача етиб келмаган китоблари ҳамда дунё кутубхоналарида сақланаётган Берунийнинг 34 та асари номи, ашё рақамлари билан келтирилган [16: 264–295]. Бунда ҳам Б.А. Розенфельд изланишларни давом эттирган ҳолда ушбу китобнинг 2003 йилда тўлдирилган инглизча нашрида Беруний “Фиҳрист”ига кирган 103 та ва унга кирмаган 12 та, жами алломанинг 115 та асари номини келтиради. Унда 1983–2003 йилларда Беруний асарлари юзасидан амалга оширилган ишлар, турли манбаларда алломага нисбат берилган, лекин бизгача етиб келмаган китоблари ҳамда дунё кутубхоналарида сақланаётган унинг 36 та асари номи, ашё рақамлари билан берилган [22: 144–156]. 2015 йилгача бу масалани тадқиқ этган профессор А. Аҳмедов Берунийнинг “Хронология”сини тўлдирилган рус тилидаги қайта нашрига ёзган сўзбошида Берунийнинг бизгача етиб келган асарлари сони 33 та эканини эътироф этган [1: 36]. Лекин алломанинг қайси асарлари назарда тутилгани ёзилмаган. Шунинг учун изоҳ сифатида берунийшунос А. Аҳмедовнинг ўзидан олдинги бажарилган тадқиқотлар, яъни П. Булгаков томонидан тан олинган Берунийнинг бизгача етиб келган асарлари сонига “Китоб ад-дурар фи сатҳ ал-кура” ва “Мақала фи хикоят тариқ аҳл ал-Ҳинд фи истихраж ал-’умр” (“Киши умрини ҳисоблаб чиқишда ҳинд усулини ҳикоя қилиш ҳақида мақола”) асарларини киритганлигини таъкидлаб, “қолганлари борасида аниқлаштириш лозим”, деганини эслатиб ўтамиз.

1973 йилда дунёда Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 ва 2023 йилда 1050 йилликлари нишонланиб, шу муносабат билан алломанинг бизгача етиб келган асарларидан 13 таси рус ва ўзбек тилларига таржима қилинди. Айниқса, 2023 йилда бу китоблар Ашраф Аҳмедов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар ва С. Каримова томонидан қайта ишланиб, янги изоҳ ва кўрсаткичлар тузилиб 9 жилддан иборат “Танланган асарлар” туркуми нашри амалга оширилди [2; 3; 4; 5; 6; 7; 8; 9; 10].

1994 йилдан бошлаб дунё алломалари ҳаёти ва илмий меросини ўрганишга бағишланган турли хил интернет сайтларининг ишга туширилиши Беруний асарлари электрон каталогларининг яратилишига ҳам имкон берди. Уларга алломанинг “Фиҳрист”и ҳамда Г. Зутер, Ф. Сезгин, Д. Буало, Э. Иҳсанўғлу, Б. Розенфельд ва Г. Матвиевская каби олимларнинг китоблари асос қилиб олинган [27: 79–93; 24: 380–381; 25: 267–270; 26: 268; 20: 161–256; 23: 144–156]. Афсуски, бу борада амалга оширилган тадқиқотлар кўп бўлишига қарамай, бу электрон сайтларда Беруний асарлари ва улардан бизгача етиб келганларининг сони турлича берилмоқда. Хусусан:

1. “Туркия Давлат Вақфи Ислом Энциклопедияси” (Turkiye Diyanet Vakfi İslâm Ansiklopedisi' – TDV İslâm Ansiklopedisi') ташкилоти сайти. Унда Беруний ҳаёти ва фаолияти, алломанинг бугунги кунгача етиб келган 24 асари номи ва қисқача мазмуни берилган [29].

2. Ислом Илмий Қўлёзмалари Ташаббуси (Islamic Science Manuscript Initiative, ISMI) ташкилотининг сайти. Унда Берунийнинг 114 та асари ва улардан бизгача етиб келган 34 тасининг номи келтирилган. Бундан ташқари бизгача етиб келган аллома асарлари қўлёзмалари тўғрисида маълумот берилган. Лекин бу электрон каталогни мукаммал деб бўлмайди. Чунки унда берилган Беруний асарларининг ашё рақамларида чалкашликлар мавжуд [30]. Бунинг сабаби ўрганилганда аён бўлдики, сайтдаги маълумотлар фақат XIX–XX асрларда тузилган Ф. Сезгин каталогига асосланган ҳолда киритилган, кутубхонага борилмаган ёки кутубхона электрон сайтидан фойдаланилмаган [31].

3. “Абу Райҳан Берунй асарлари” (The works of Abu Rayhan (al) Biruni) – бевосита Берунийга бағишланган сайт. Унда алломанинг 76 та асари ва улардан бизгача етиб келган 26 тасининг қўлёзмалари ҳақида, улар устида амалга оширилган тадқиқотлар, Берунийга бағишлаб ёзилган ва Берунийга нисбат берилган асарлар (апокрифлар) ҳақида тасниф-ланган ва тизимлаштирилган маълумотлар келтирилган [32].

Бундан ташқари, 2023–2024 йилларда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан ҳозирда дунё фонд-ларида сақланаётган Беруний асарлари қўлёзмаларининг маълумотлар базаси шакллантирилиб, “heritageofberuni.uz” сайти ишга туширилган. Бу сайтда, Англия, Германия, Голландия, Туркия, Франция, Эрон,

Ҳиндистон фондларидаги аллома асарларининг қўлёзмалари тўғрисидаги маълумотлар тўпланиб, ҳар бир қўлёзма илмий тавсифланиб, тизимлаштирилиб инглиз тилида жойлаштирилган. Бугунги кунгача сайтга алломанинг жами 43 та номдаги 171 та қўлёзмасининг илмий тавсифи қўйилган [33]. Улардан 33 таси айнан Берунийнинг бизгача етиб келган асарлари деб ҳисобланмоқда, лекин ҳали бориб ўрганилмаган давлатларнинг мавжудлиги бу борадаги аниқ бир хулоса қилишга эрталигини кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қилинган таҳлил ва бугунги кундаги ўзимиз текширган маълумотларга таяниб, шундай хулосага келдик: Беруний 150 та асар ёзган, бундан ташқари 9 та китоб таржима ва шарҳ қилган. Унга атаб устозлари томонидан 25 та асар ёзилган.

Кўплаб тадқиқотчи ва олимлар Берунийнинг “ўз китобларим билан менга бағишланган китобларни ажратмайман” деган сўзидан келиб чиққан ҳолда аллома илмий мероси – 184 та асардан иборат, деб эътироф этишган. Ундан бизгача 33 таси етиб келган. Уларнинг 14 таси аллома “Фиҳрист”ига кирмаган ва бу асарлар Берунийнинг 1036–1048 йилларда Ғазна шаҳри ва Ҳиндистон ҳудудида яшаган даврида ёзилган.

Берунийнинг бугунгача етиб келган асарларидан Ўзбекистонда 13 та фундаментал китоблари тўлиқ таржима қилиниб “Минералогия” ва 9 та жилддан иборат “Танланган асарлар” силсиласи нашр этилган. Ундан ташқари, бу серияга кирмаган алломанинг 5 та кичик рисолалари ҳам чоп этилган бўлиб, уларнинг аксари рус тилида амалга оширилган.

1994 йилдан бошлаб ўрта аср алломалари ва асарларини ўрганишга бўлган қизиқиш натижасида электрон каталоглар вужудга келган. Жумладан, Беруний ва унинг асарлари ўрин олган сайтлар ҳам ишга туширилган. Ахборот техналогиялари ривожланиб, бундай ютуқларга эришилгани билан бирга баъзи камчилик ва хатоликларга йўл қўйилган.

Демак, Беруний меросининг 80 фоизи ҳали ўрганилмаганлиги ҳисобга олинса, юқорида келтирилган рақамлар яна ўзгариши табиий. Чунки аллома “Фиҳрист”ида берилган 113 та ва ундан кейин ёзилган 44 та асардан 89 таси алломанинг ўзи томонидан турли китобларида, шунингдек, бошқа муаллифлар ва ўрта асрлар био-библиографик китобларида кўрсатиб ўтилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Райхан Беруни. Памятники минувших поколений (Хронология) / Перевод с арабского М. Салье. Доп., исп., подготовка к печати, комментарии и указатели А. Ахмедова. – Ташкент, 2015.
2. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.I. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / А. Расулов таржимаси. Нашрга тайёрловчи, кириш ва изоҳлар муаллифи: А. Аҳмедов. Кўрсаткичлар муаллифлари: Б. Абдуллаев ва У. Куранбаева. –Тошкент, 2022.
3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.II. Ҳиндистон / А. Аҳмедов ва [А. Расулов] таржимаси. Сўзбоши, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмедов, М. Хандамова. – Тошкент, 2022.
4. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.III. Геодезия / Сўзбоши муаллифи А. Аҳмедов. Таржимонлар: А. Аҳмедов, Б. Абдуллаев. Изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Б. Абдуллаев ва У. Куранбаева. – Тошкент, 2022.
5. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.IV. Қонуни Масъудий / Сўзбоши муаллифи: А. Аҳмедов. Таржимонлар: А. Аҳмедов, [А.Расулов], Б. Абдуллаев. Изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: А. Аҳмедов, Б. Абдуллаев ва У. Куранбаева. – Тошкент, 2022.
6. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.V. Қонуни Масъудий / Сўзбоши муаллифи А. Аҳмедов. Таржимонлар: А. Аҳмедов, [А. Расулов], Б. Абдуллаев. Изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: А. Аҳмедов, Б. Абдуллаев ва У. Куранбаева. – Тошкент, 2022.
7. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.VI. Юлдузшунослик санъати асосларини тушунтириш китоби. Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: А.Аҳмедов. – Тошкент, 2022.
8. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.VII. Математик рисолалар / Таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: А. Аҳмедов. Кўрсаткичлар муаллифи: Б. Абдуллаев. – Тошкент, 2022.
9. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.VIII. Кичик рисолалар / Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи А. Аҳмедов. Кўрсат-

кичларни Б. Абдуллаев ва У. Куранбаевалар тузишган. –Тошкент, 2022.
10. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Ж.IX. Китоб ас-сайдана фит-тиб / Таржима, тадқиқот ва изоҳлар муаллифи У.И. Каримов. Нашрга тайёрловчи ва кўрсаткичлар муаллифи С.У. Каримова. –Тошкент, 2023.
11. Беленицкий А.М. Место минералогического трактата Бируни в истории восточной минералогии / Абу-р-Райхан Мухаммед ибн Ахмед ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). Перевод А.М. Беленицкого. – Москва, 1963.
12. Булгаков П.Г. Жизнь и труды Беруни. – Ташкент, 1972.
13. Крачковский И.Ю. Ал-Бируни и географы в IX в. на Востоке / Избранные сочинения. Т.IV. – Москва-Ленинград, 1957.
14. Куранбаева У. Абу Райҳон Берунийнинг “ал-Фиҳрист”идаги асарлар хусусида / Мерос. 2019, № 2. – Тошкент.
15. Расулов А. Абу Райҳон Берунийнинг ўз асарига ўзи тузган рўйхати / Беруний туғилган кунининг 1000 йиллигига / Масъул муҳаррирлар: У.И. Каримов, А. Ирисов. – Тошкент, 1973.
16. Розенфельд В.А., Матвиевская Г.П. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII–XVII вв.). – Москва, 1983.
17. Тўраев Б. Беруний-инсониятнинг буюк мутафаккири. – Тошкент, 2023.
18. Ahmad Sa’idkhon. Ketobshenosi-i olimi jalil-i Afgoniston Abu Rayhon Muhammad bin Ahmad al-Biruni. Vizorat-i maorif-i davlat-i Jumhuri-i Afgoniston. – Kobul, 1352/1974.
19. Beruni. Ghurrat al-Zijat or Karana Tilaka / Prepared for publication by N.A. Baloch. –Pakistan, 1973.
20. Boilot D.J. L’oeuvre d’al-Beruni. Essai bibliographique, Mélanges de l’Institut dominicain d’études orientales, 2. – Caire, 1955.
21. Karimov B. Abu Rayhon Beruniy merosi va jahon tamadduni rivoji / “Abu Rayhon Beruniy merosi va hozirgi zamon”. M’ruza. Ilmiy anjuman. Beruniy, 04.09.2024.
22. Kraus P. Epitre de Biruni. – Paris, 1936.

23. Rosenfeld B.A. E. Ihsanoglu. Mathematicians, Astronomers, and other Scholars of Islamic civilization and their Works (7th–19th c.). – Istanbul, 2003.
24. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums (GAS) Vol.V. – Leiden, 1874.
25. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums (GAS) Vol.VI. – Leiden, 1978.
26. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums (GAS) Vol.VII. – Leiden, 1979.
27. Suter H. Über die Projektion der Sternbilder und der Länder von Al-Bi'ru'ni'/ Abhandlungen zur Geschichte der Naturwissenschaften und der Medizin. Heft IV. – Erlanger, 1922.
28. https://primarysources.brillonline.com/browse/memo-1-pioneer-orientalists/or-01332-fihrist-kutub-muhammad-b-zakariyya-alrazi-p-3348;srg219
29. https://islamansiklopedisi.org.tr/biruni
30. https://ismi.mpiwg-berlin.mpg.de/person/70924
31. www.kblibrary.bih.nic.in
32. www.albiruni.nl
33. http://heritageof.beruni.uz/

У. КУРАНБАЕВА

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ "ФИҲРИСТ"ИГА КИРМАГАН АСАРЛАРИ ХУСУСИДА

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний 973–1048 йилларда яшаб, фаолият юритган. Аллома илмий мероси дунё олимлари ўртасида катта қизиқиш билан ўрганилиб келинмоқда. Лекин алломанинг асарлари сони борасида амалга оширилаётган тадқиқотлар кўп бўлишига қарамай Беруний асарлари ва улардан бизгача етиб келганларининг сони ҳануз турлича берилмоқда. Ушбу мақолада Берунийнинг 1036 йилда ўз асарларига тузган рўйхати – "Фиҳрист кутуб Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий"га кирмаган китоблари ва алломанинг бугунги кунгача етиб келган асарлари сони тўғрисидаги илмий адабиётларда берилган маълумотлар келтирилган. Бундан

ташқари дунёда Беруний ва унинг асарларига тузилган электрон каталоглар яратилган бўлиб, уларда ҳам аллома асарлари сони юзасидан тафовутлар борлиги аниқланган ва таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *Беруний, Фиҳрист, Д. Буало, П. Булгаков, А. Аҳмедов, электрон каталог, Лейден, астрономия, математика, география, геодезия, минералогия, картография.*

У. КУРАНБАЕВА

О ТРУДАХ АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ, НЕ ВОШЕДШИХ В «ФИХРИСТ»

Учёный-энциклопедист Абу Райхан Беруни жил и работал в 973–1048 годах. Его научное наследие с большим интересом изучается учеными всего мира. Но, несмотря на большое количество проводимых исследований по числу работ учёного, количество трудов Беруни дошедших до сегодняшних дней по-прежнему дается по-разному. В этой статье представлен список произведений Берунии, не вошедших в «Фихрист кутуб Мухаммад ибн Закариё ар-Рози», написанных им в 1036 году. А также приведены и проанализированы научная литература и электронные каталоги о количестве трудов Беруни, включающих такие расхождения.

Ключевые слова: *Беруни, Фихрист, D. Буало, П. Булгаков, А. Ахмедов, электронные каталоги, Лейден, астрономия, математика, геодезия, минералогия, картография.*

U. KURANBAYEVA

ON THE WORKS OF ABU RAYHON BERUNI'S THAT WERE NOT PART OF THE “FIHRIST”

The encyclopedic scientist Abu Rayhan Beruni lived and worked in 973-1048. His scientific legacy is being studied with great interest by scientists all over the world. But, despite the large number of studies conducted on the number of works by the scientist, the number of Beruni's works that have survived to the present day is still given in different ways.

This article presents a list of Berunia's works that were not included in the “Fihrist kutub Muhammad ibn Zakariya ar-Roziyy” written by him in 1036. Scientific literature and electronic catalogs on the number of Beruni's works including such discrepancies are also presented and analyzed.

Keywords: *Beruni, Fihrist, D. Biolt, P. Bulgakov, A. Akhmedov, electronic catalogs, Leiden, astronomy, mathematics, geodesy, mineralogy, cartography.*

С. КАРИМОВА, Ф. ИБРАГИМОВ, У. КУРАНБАЕВА

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти араб, форс ва туркий тиллардаги 26000 қўлёзма, 39000 тошбосма ва нашр китоблар, 5000 дан ортиқ тарихий ҳужжатлар жамланган қўлёзмалар фондига эга. Қўлёзма асарлар мавзу жиҳатдан тарих, тил ва адабиёт, ислом илмлари, аниқ ва табиий фан соҳаларига алоқадор. Илмий асарлар орасида X–XIX асрларда яшаб ижод этган Абу Бакр Розий (865–925), Абу Наср Форобий (873–950), Абу Райҳон Беруний (973–1048), Абу Мансур Қумрий (X аср), Абу Али ибн Сино (980–1037), Исмоил Журжоний (1042–1136), Насириддин Тусий (1201–1274), Маҳмуд Чағминий (ваф. 1221), Ибн Нафис (ваф. 1288), Саъдуддин Тафтазоний (1322–1390), Жамшид Коший (ваф. 1436), Қозизода Румий (1360–1437), Мирзо Улуғбек (1394–1449), Али Қушчи (1402–1474), Низомиддин Биржандий (ваф. 1525), Аҳмад Дониш (1827–1897) каби ва бошқа мусулмон олимларининг астрономия, математика, кимё, табобат, доришунослик, минералогия ва географияга оид асарларининг 1500 дан ортиқ қўлёзмалари бор. Мазкур олимлар илмий асарларини ўрганиш институтнинг устувор илмий йўналишларидан биридир. Бу олимларнинг асарлари орасида Абу Райҳон Беруний қаламига мансуб китоблар алоҳида ўрин тутади. Чунки Беруний энциклопедист олим сифатида фаннинг бир қанча соҳалари бўйича илмий аҳамиятга молик 150 га яқин асар ёзган. Гарчи улардан бизгача П.Г. Булгаков (1927–1993) ва